

МОВАРОУННАХР ВА ХУРОСОН КИТОБАТ САНЪАТИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

Якубова Муниса Шовкат қизи

Муробод тумани 12 сонли Болалар муסיқа санъат мактаби уқитувчиси,

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: Амир Темур образининг яралиш тарихи, аслида у қандай кўринишда эди. Шарқ ва ғарб мамлакатларида илмий изланишлар ва турфа кўринишдаги образ. Ўзбекистон санъатида Амир Темур образининг яралиши асарлардаги Амир Темур учун ёзиб қолдирилган фикрлар ва унинг хаёти.

Калим сўзлар: Образ, тадқиқот, Шарқ, Ғарб, санъат асар.

INTERPRETATION OF THE IMAGE OF AMIR TEMUR IN MOVAROUNNAHR AND KHORASAN BOOK ART

Yakubova Munisa Shovkatovna

Teacher of Children's Music School №12 of Murabod district,

Tashkent, Uzbekistan

Abstract: The history of the wound of the image of Amir Timur, in fact, how it looked like. Scientific research in the countries of the East and West and the image in the form of a variety. The creation of the image of Amir Timur in the art of Uzbekistan is the thoughts written for Amir Timur in the works and his life.

Keywords: Image, research, East, West, artwork.

Марказий Осиё халқлари тарихида Темурийлар даври ўзининг маданияти тараққиёти билан ажралиб турарди. Тарихда ҳамиша шахснинг роли юқори турган. Хамма ишга шахс бош бўлади, омма унга эргашади. Бобомиз Амир Темур буюк шахс эди. Темур ўз ақл-заковати билан тузган Давлатининг равнақи, келажаги учун жуда катта ишлар қилган. Самарқанд, Кеш, Насаф, Бухоро ва Табриз каби шаҳарлардан таниқли олимлар, меъморлар, моҳир ҳунармандлар ва бинокорлар пойтахт Самарқандга олиб келинган. Бошқа мамлакатлардан келган ҳунармандлар билан маҳаллий усталар ҳамкорлигида Самарқанд ва Кешда ўз даври ва ҳозирги дунё аҳлини ҳам лол қолдирган

меъморчилик намуналари яратилган. Бутун дунёга номлари машхур тарихчилардан Шарафиддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, Мирхонд, олимлардан Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, шоирлар Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, мусаввирлардан Бехзод, Косим Али, Мирак Наққош, Махмуд Музаххиб, хаттотлар Султон Али Мишкодий, султон Мухаммад, Дарвеш Мухаммад Токийлар санаб ўтишимиз мумкин. Амир Темур даврида Самарқандда ўзига хос миниатюра рассомлик мактаби қарор топди. Тасвирий санъатда Темурийлар мактабининг асосчиси Устод Гунч саналган. Унинг шогирди бухоролик Устод Жаҳонгир бўлган. Устоз Жаҳонгир Пир Сайид Аҳмад Табризийга устозлик қилган. Нафақат Шарқда, балки бутун дунё санъатида муносиб из қолдирган мусаввир Камолиддин Бехзод санъат сирларини Пир Сайид Аҳмад Табризийдан ўрганган. Шу билан бир каторда ота-онасидан эрта жудо бўлган Камолиддин Бехзодни Ҳиротнинг буюк мусаввири Амир Рухилло (Мирак Наққош) уз тарбиясига олган ва Нигористонида (санъат академияси) наққошлик ва миниатюра сирларини ўргатган. Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Туркия ва Берлан кутубхоналарида сақланаётган кўчирма-хомаки миниатюра нусхалари XIV–XV асрларга оид бўлиб, уларда алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, нақшларда чизиқлар уйғунлиги ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларининг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ҳам миниатюраларда акс этган. Амир Темур қиёфаси тириклик вақтида акс этган миниатюралар ҳали топилмаган. Асл ҳолатига яқин суръатлар “Зафарнома” нинг дастлабки кўчирилган нусхаларида учрайди.

Унинг бир мунча ёрқинроқ қиёфаси Хиротда (1467 й.) кўчирилган “Зафарнома” да келтирилади. Дастлаб Мирак наққош бошланган ва Бехзод яқунланган ушбу миниатюра композицияси ва сержило бўёқларнинг уйғунлиги ажралиб туради. Миниатюра рассомчилигининг тараққиёти адабиётининг равнақи ва ривожига билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, сўнгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишланган. XIV асрда

“Жомеъ ут-таворих”, “Тарихи рашидий” каби тарихий асарларга ҳам миниатюралар ишланган. Бу анъаналар Темурийлар даврида ҳам давом эттирилиб, “Зафарнома” ва “Темурнома” асарларида жанг лавхалари тасвирланган¹.

XV аср миниатюраларининг аксариятида Шарқ шеърятининг қахрамонлари Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам жанг лавхалари тасвирланган. Умуман олганда, миниатюра санъати Ироқ, Эрон, Хуросон, Мавороуннахр ва Хиндистонгача бўлган худудларда бир даврга хос бадий эстетик ходиса эди. Бу ходиса Темурийлар билан боғлиқ бўлиб, темурийларнинг Боғдод, Шероз, Табриз, Хирот, Самарқанд, Деҳли каби марказларида бир неча миниатюралар мактаблари вужудга келди. Самарқанд миниатюра мактаби XIV–XV асрнинг биринчи ярмида қарор топган бўлиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шарқий Туркистон санъатига хос бўлган Туркий образларда хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради. Самарқанддаги сарой мусаввирлари Абул Хайя ва унинг шогирдлари Шайх Маҳмуд Таҳлилий, Пир Аҳмад боғи Шомолий, Муҳаммад Бин, Муҳаммадшоҳ, дарвеш мансурлар ишлаган темурийлар даврига хос ов мавзусида яратилган. 1420-йилдан кейин Бойсунқир Мирзо Хиротдан Хагтотлик ва наққошлик устахонаси ташкил қилгач бу рассомларнинг айримлари Хиротга кўчиб ўтади. Абул Хайя тарихий асарларда ишланган миниатюраларда Темурийларнинг қиёфалари акс этса, бадий асарларга ишлаган расмларида ҳам улар турли ҳолатларда тасвирланган. Халил султон даврида ишланган айрим минитюралар график тарзда, бадий жихатдан ўзига хос “сиёҳи қалам” услубида ишлаган Темур ҳаётлик даврида унинг сарой деворларида шоҳ ва Шаҳзодалар бор бўйида тасвирланиб, ҳақиқий портрет жанрини Камолиддин Беҳзод шакллантирди. Умуман Темур ва Темурийларнинг қиёфалари тасвирланган кўплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда.


1. ¹ O'zbekiston obidalaridagi bitiklar “Samarqand Amir Temur va temuriylar davridagi majmua va ziyoratgohlar” uchinchi kitob Toshkent — 2012

Уларнинг аксарият расм чизилгани давр ёки рассом, жой мактаб кўрсатилмаган. Бироқ бу миниатюраларда нур сочиб турган қуёшсимон шернинг боши тасвирланган туғ Темурнинг герби унинг саройи пештоқида, Халил Султон ва Улуғбек зарб қилган тангаларда учрайди. Шунингдек, табиат тасвирида тўқ яшил ва жигарранг кўплиги, кийимлар туркий миллатига хос бўлганлигидан бу миниатюралар Самарқанд миниатюрачилиги мактабига мансуб дейиш мумкин. Самарқанд мактаби миниатюралари вакилликлари композицияси яратиш ва манзара тасвирида маҳоратлидирлар. Миниатюра шарқ тасвирий санъатининг ўзига хос рангтасвири Темурийлар даврида асарлари билан ҳам бевосита боғлиқ ҳамдир. Темур ва Улуғбек даврида яратилган қўлёмаларнинг гўзал намуналари бу даврда ишлаган мусаввир, хаттот, наққош ва бошқаларнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Китоб қўлёмаси устида ишлаган уста ижодкорларнинг ҳар бири ўз касбини мукамал эгаллаганлиги асосида темурийлар даврида бу ерда санъат мисли кўрилмаган поғонага кўтарилганлигини билдиради.

Бадиий талқин ижро жараёнида бирламчи бадиий фаолият маҳсулини талқин этишни назарда тутлади. Амир Темур образининг XXI аср учун янги талқинда кашф этиш яхши фикр эди. Бу талқин тури оддий ва илмий турдаги, абстракция ва конкретлаштириш элементларини бирлаштиради. Шундай қилиб, рассом (хайкалтарош, драматург, меъмор ва бошқалар) томонидан ҳақиқий объектнинг бадиий тасвири.) сўзнинг оддий маъносида талқин қилиш пайтини назарда тутлади. Рассомнинг абстракт асари яралиши жараёнида талқиннинг бадиий ва илмий турлари ўртасидаги ўхшашликлар очиб берилади. Илмий талқинда бўлганидек, тасвирий санъат тизим билан боғлиқ талқинларнинг кўплаб моделлари (вариантлари) мавжуд. Бадиий талқин инсоннинг санъат соҳасидаги амалий-маънавий фаолиятининг бир тури бўлиб, ижрочилик санъатининг барча турларида мавжуд.

Ривожланиб борётган даврда XXI асрга келиб миниатюра санъатидан кейинги санъат графика санъатини янги талқинда (интерпретация) тасвирлаш фикри уйғонди. Интерпретация ижро этилган асарни индивидуал ёндашишни,

унга фаол муносабатни ва ижрочининг ўз ижодий ғоясининг мавжудлигини ўз ичига олади. Бу асар нима учун шундай ёзилганлигини (ва номланганлигини) тушуниш учун уни тарихини ўрганиш керак бўлади. Шундай қилиб, ҳатто кичик ишнинг чуқур ва мазмунли талқини кўпинча катта тайёргарлик, чинакам тадқиқот ишларини ўз ичига олади². Асарнинг бадиий ғоясини талқин қилиш билан боғлиқ бу вазифаларни ҳал этиш ижодкор фаолиятининг субъекти сифатида ижрочи шахсига боғлиқ. "Талқин" тушунчаси уларда ижтимоий ҳодиса сифатида, жамоатчилик онгининг ҳақиқати сифатида мавжуд. Шундай қилиб янги талқин асосида яралган интерпретация биринчи ва такрорланмаслиги билан фаркланарди. Амир Темур образининг интерпретацияси графиканинг линогравюра соҳасида илк талқин десак адашмаймиз.



Асосий адабиётлар.

1. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т.: Ўзбекистон.1996
2. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. - Т.: Шарқ. 1997
3. Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: "Шарқ", 1997.
4. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Ю. Ҳакимжонов тарж. - Т.: Ўзбекистон.1996

² Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: "Шарқ", 1997.

5. Ўзбекистон санъати (1991–2001) – Т.: Шарқ, 2001. - 240 б.
6. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Таржимон ва нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев. Тошкент, “Фан”, 1969